

СОДДА ТЎЙ – СОҒЛОМ ОИЛА: ҲУҚУҚ ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ ЁКИ СОДДАЛИКДА БАРАКА: МАЪРАКА МАДАНИЯТИ ВА ОИЛА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Фируза Мухитдинова

ТДЮУ профессори, Оқила аёллар ҳаракати аъзоси

КИРИШ

Оила — инсон ҳаётидаги биринчи ва энг муҳим ижтимоий институт бўлиб, жамиятнинг барқарорлиги, миллатнинг келажаги, ёш авлоднинг шаклланиши ва маънавий тарбиясини белгилаб берувчи асосий омилдир. Лекин ХХІ асрда глобаллашув, урбанизация, ижтимоий-иқтисодий босимлар оила институти олдида янги чақириқ ва муаммоларни пайдо қилди. Шундай шароитда оила барқарорлигини таъминлаш нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий вазифа сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Оила институти: тарихий ва муқаддас манбаларда таҳлили: Маълумки, "оила" атамаси бугунгина пайдо бўлган ёки замонавий тараққиёт маҳсули эмас. Аксинча, оила инсониятнинг ибтидоий тарихидан бошлаб мавжуд бўлиб келаётган ижтимоий институт ҳисобланади. Қадимги жамиятларда оила жуда муқаддас, инсон ҳаётида марказий ўрин эгалловчи қадрият сифатида қабул қилинган. Турли халқлар ва минтақаларда оилавий муносабатлар турфа шакл ва хусусиятларга эга бўлган. Бу жиҳатлар маҳаллий урф-одатлар, миллий қадриятлар ва диний тушунчалар билан уйғунлашган ҳолда ривож топган. Айниқса, қадимий ёзма манбалар оила институтининг шаклланиши ва мустақамланишида муҳим аҳамият касб этган. Ана шундай манбалардан бири — бу "Авесто" ҳисобланади. "Авесто" — жаҳон цивилизациясига дахлдор бой маънавий ва ҳуқуқий мерос бўлиб, у Марказий Осиё ва Ерон халқларининг қадимий ҳаёти, урф-одати, ҳуқуқий қарашлари ҳақида бебаҳо маълумотларни ўз ичига олади. Унда оила, никоҳ, эр-хотиннинг бурчлари, фарзанд тарбияси ва авлодлар ўртасидаги одоб-ахлоқ қоидалари каби масалаларга алоҳида урғу берилган. Оила — инсоният келажагини таъминловчи муқаддас маскан сифатида тасвирланган.

Авестода оила масалалари таҳлил этилган бўлиб, Авесто — зардуштийлик динининг муқаддас манбаси ҳисобланиб, унда оила инсониятнинг эзгу амаллари маркази сифатида қаралади. Зардушт таълимотида ҳар бир инсон на фақат ахлоқий йўл-йўриқларни ўзлаштириш, балки яхшилик қилиш, яхши ёр танлаш, фарзанд тарбиялаш, соғлом ва бахтли оилавий ҳаёт ҳақида ҳам уйлашга мажбурдир. Ҳар бир шахс солиҳ ва соғлом фарзандларга эга бўлишни ҳаётий мақсад сифатида кўради. "Авесто"даги дуоларнинг бирида шундай дейилади:

"Менга баркамол ва огоҳ, ватансевар ва анжуманоро, аҳил, эзгу, андишали, зулматдан, тангликдан қутқарувчи фарзандлар бағишла, токи улар манзил, шаҳар, ўлка ва унинг номи ҳамда овозасини кўтарсинлар" [1:121].

Бу сўзлар фарзанд нафақат оила, балки жамият равнақига ҳам масъул эканини кўрсатади. Авесто таълимотига кўра, ўспиринлар ўн беш ёшдан балоғат ёшига етган деб ҳисобланади ва бу пайтдан уларга оила қуриш ҳуқуқи берилган. Шу билан бирга, болаларга ҳар бир ёш босқичида мос муносабатда бўлиш зарурлиги қайд этилади: кичик ёшдаги болага меҳр, эътибор ва тарбия керак бўлса, катта ёшдаги болага жамиятнинг тенг ҳуқуқли ва маъсулиятли аъзоси сифатида муносабатда бўлиш талаб этилади. Ота-она фарзанд учун ибрат, меҳр, маънавий таянч ва масъулият намунаси бўлиши шарт деб таъкидланган.

Оила қуриш масаласида ҳам жамоа, яъни маҳаллий қадриятлар ва ота-оналарнинг маслаҳати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Бўлажак келин ва куёв танлашда катталарнинг маслаҳати ва жамоатчилик розилиги асос бўлиб хизмат қилган. Бу амалиёт нафақат миллий қадрият, балки ҳуқуқий меъёр сифатида шаклланган. Айниқса, насаб (шажара) поклигига қатъий эътибор қаратилган. Бугунги Ўзбекистон қонунчилигидаги яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмаслиги тартиби Авесто қонунларида ҳам мавжуд бўлган. Зардуштлиқда яқин қариндошлар ва бошқа дин вакиллари билан никоҳ тузиш қатъиян ман этилган. Бу қонун бузилган тақдирда ҳатто ўлим жазоси билан жазолаш мумкин бўлган. Соғлом авлод туғилиши масаласи Авестода марказий ўрин эгаллайди. Ота-оналарга фарзандларининг жисмоний ва руҳий соғлом бўлиши учун ёмон одатлардан, хусусан, шароб, гиёҳванд моддалар, кайф қилувчи воситалардан тийилиш юзасидан қатъий талаблар қўйилган. Фақат ҳалол меҳнат билан кун кўриш ва пок ният билан яшаш инсоннинг ҳаётини маънавий ва моддий жиҳатдан баракатли қилади, деб таъкидланган. Фарзандларнинг ҳуқуқий мақомига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Қадимий даврда, Авесто таълимотига кўра, кўп фарзандли аёллар давлат томонидан моддий қўллаб-қувватланган. Уларга имтиёзлар берилган, ҳатто иккинчи ёки учинчи фарзандини дунёга келтирган аёлларга сигир, туя каби мукофотлар берилган. Кўп болали оилалар давлат хазинасидан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аксинча, агар ота болаларини таълим-тарбиясиз қолдирса, ёки оила бошлиғи аёлга ва фарзандларга нисбатан масъулиятсиз бўлса, унга жазо сифатида қамчин ва дарра каби жисмоний жазолар, ҳатто оғир ҳолларда ўлим жазоси ҳам қўлланилган. Бу муносабат оиланинг муқаддаслиги ва масъулиятини таъминлашда жуда кучли тарбиявий ва ҳуқуқий таъсир этган. Зардуштийликда оила муқаддас деб билинган. Авестода: "Тарбия ҳаётнинг энг муҳим таянчи бўлиши лозим" деган таълимот юритилган. Болаларга тарбия бериш етти ёшдан бошланган. Қиз болаларга ип йиғириш, тикиш, камондан отиш, қиличбозлик ва ҳатто кураш каби машғулотлар ўргатилган. Ўғил болалар эса 32 хил ҳунар ва ҳарбий машғулотларни эгаллаган. Бу — жамиятда ҳар томонлама етук, ватанпарвар шахс тарбиялашга қаратилган дастур эди. Бу тизим оилага нафақат биологик, балки маънавий-мафкуравий таянч сифатида қаралганини кўрсатади. Авестонинг "Видевдат" қисмларида турмуш қуриш, вояга етмаган фарзандларни тарбиялаш,

ҳалол меҳнат ва жинсий поклик муҳим қадриятлар сифатида баён этилади. Бу орқали жамиятда маънавий барқарорлик ва адолат таъминланади.

Ислом динида оила нафақат шахсий, балки ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида ҳам юксак мақомга эга. Қуръон ва Суннатда оиланинг шаклланиши, унинг ҳуқуқий асослари, ҳар бир аъзонинг ўзаро бурч ва мажбуриятлари мукамал тарзда баён қилинган. Бунинг ортида жамиятда адолат, барқарорлик ва маънавий мувозанатни таъминлаш мақсади ётади. Ҳадисларимизда оила:

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам оила ҳақидаги таълимотларида доимий равишда оилавий муносабатларни тарғиб қилганлар: (Ат*Термизий ҳадисларида “Сизларнинг энг яхшингиз — оиласига яхшилик қилувчидир” дейилган. “Никоҳ — менинг суннатимдир. Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас” (Бухорий ва Муслим). Шунингдек, имом Бухорий ҳадисларида фарзанд тарбиясида “Ҳар бирингиз бошлиқсиз ва ҳар бирингиз қўл остидагиларидан масъулсиз...” дейилади. Исломда оила “саккинат” – хотиржамлик, муҳаббат ва раҳмат манбаи сифатида белгиланади (Рум, 21-оят). “Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир” (“Рум” сураси, 21-оят). Бу унинг нафақат шахсий, балки ижтимоий барқарорликка асос бўлишини англатади. Оиланинг барқарорлиги жамият тинчлиги, фарзанд тарбияси ва маънавий ҳаётнинг асосидир. Демиак, ислом ҳуқуқида оила масаласига бериладиган юксак эътибор, унинг ҳар томонлама ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар билан тартибга солиниши оиланинг муқаддас, узлуксиз ва бардавом институт эканини кўрсатади. Бугунги кунда ҳам Қуръон ва Суннатдаги ушбу кўрсатмалар оилада адолат, меҳр ва жавобгарликни таъминлаш учун беқиёс асос бўлиб хизмат қилади. Қуръони Карим оиланинг ҳуқуқий ва ахлоқий асосларини мукамал белгилаб берган. Бақара сурасида (“Ва ашируҳунна бил маъруф” — “Аёлларингиз билан яхшилик ила муомала қилинглари”) турмуш қуришда бир-бирини ҳурмат қилиш, зўравонликсиз муносабат, оилавий вазифалар ва ажралишдаги адолат белгиланган. Ислом ҳуқуқшуноси Бурҳонуддин Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарида никоҳ, маҳр, ажралиш, нафақа ва фарзандлар ҳуқуқига оид кенг миқёсли ҳуқуқий тартиблар берилган. Унда “никоҳ — фақат шахвоний хоҳишни қондириш эмас, балки масъулият ва жавобгарликни ўз зиммасига олишдир” деган қараш устувордир. Никоҳ фақат ҳуқуқий шартнома эмас, балки ахлоқий ва маънавий масъулият ҳамдир. Бу икки ёш ўртасидаги ўзаро ҳурмат, муҳаббат, садоқат ва ишончга асосланади. Йигит билан қиз ўртасида севги сабабли учрашувлар, аҳдлашувлар ёки махфий равишда бир-бирини ёқтириш ҳолатлари бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам эркин ва ихтиёрий розилик никоҳнинг асосий ахлоқий шarti ҳисобланади. Оила — бу қон-қариндошлик, никоҳ орқали боғланганлик ёки биргаликда истиқомат қилишга асосланган, умумий турмуш тарзи, масъулият ва маънавий бирлик билан боғланган ижтимоий гуруҳдир. У жамиятнинг энг кичик,

бирок энг муҳим институти ҳисобланади. Оила нафақат ижтимоий ва иқтисодий тузилма, балки ахлоқий ва маънавий муҳитдир. Унда шахс шаклланади, қадриятлар авлоддан авлодга ўтади, муҳаббат, ҳурмат, садоқат, сабр ва масъулият каби ҳислар қарор топади. Бурҳонуддин Марғинаний “Ал-Ҳидоя” асарида оилага доир нормалар батафсил баён этилган. Никоҳ шартлари, маҳр, нафақа, тарбия, ажралиш ва васийлик каби масалалар ҳуқуқий нуқтаи назардан очиб берилган. Унда никоҳ “мустаҳсан амал” сифатида таърифланган ва оила қуриш — шахсий нафсатини эмас, жамият ва дин манфаатларини ҳам таъминлаш воситаси сифатида қаралган. Замонавий қонунчиликда эса, Ўзбекистон Республикасининг “Оила кодекси”да оила “эркак ва аёлнинг ихтиёрий, тенг ҳуқуқли иттифоқи” сифатида белгиланган. Кодексда оилани барпо этиш, унинг барқарорлигини таъминлаш, болаларни тарбиялаш, ота-она масъулияти, ажралиш ва мерос масалалари ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган. Замонавий дунёда оила институтларига таҳдидлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда. Глобаллашув ва индивидуализм сифатида жамиятда шахс эркинлиги ортиши, индивидуалистик қарашлар кенгайиши оилавий масъулиятнинг пасайишига олиб келмоқда. Иқтисодий босимлар: ишсизлик, уй-жой муаммоси ва иқтисодий қийинчиликлар ажралишлар сонини оширади. Ахборот асридаги маълумот воситаларининг таъсири: яъни, интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали оилавий қадриятларга қарши бўлган ғоялар тарқалмоқда. Оилавий зўравонлик ва ҳуқуқий саводсизлик: Айниқса аёллар ва болалар ҳуқуқларининг поймол қилиниши кўплаб ажралишлар ва ижтимоий муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Қиёсий таҳлил: хорижий ҳуқуқий тажриба

Мамлакат Ажралишни олдини олиш механизми Қонунчиликдаги инновация

Франция Никоҳдан аввал 6 ойлик маслаҳат Никоҳ шартномалари

Малайзия Ислоний маслаҳат ва ҳакамлар кенгаши Қариндошлар ўртасида медиаторлар

Япония Оилавий маслаҳат бюрolari Ажралишни кечиктирувчи жараёнлар

Ўзбекистон “Оила” марказлари Саводхонлик курслари, юридик маслаҳат

Сўнгги йилларда оилаларда ажримлар сони ортиб бормоқда. Бу нафақат икки инсон ўртасидаги муносабатнинг узилиши, балки қудалар орасидаги яқинликнинг йўқолиши, фарзандлар тақдиридаги ноаниқлик, моддий ва маънавий қийинчиликлар каби ижтимоий муаммоларга олиб келмоқда. Болаларнинг тўлақонли муҳитда ўсмаслиги эса жамият келажагига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам ҳуқуқий тарғибот, никоҳ олдида маслаҳатлашув, ҳамда психологик ёрдамни кучайтириш бугунги кун талаби ҳисобланади. Оиланинг мустаҳкамлиги ва ажралиш сабаблари

Оила — бу қон-қариндошлик, никоҳ ва биргаликда истиқомат қилиш орқали шаклланган, жамиятнинг асосий ижтимоий гуруҳидир. Унда маънавий муҳит, ахлоқий меъёрлар ва ўзаро ҳурмат муҳим ўрин тутди.

Оиланинг мустақамлигини белгилайдиган омиллар: биринчидан, ахлоқий тарбия — оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, масъулият ва садоқат туйғуси бўлишида; иккинчидан, соғлом муҳит — инсонпарварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, ватанпарварлик каби қадриятларга риоя қилинишида, учинчидан, ўзаро мулоқот — ҳамжиҳатликни сақлаш учун доимий ва самимий мулоқотнинг мавжудлигидир. Маънавий барқарорлик — моддий барқарорлик, маънавий яқинлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш асосий мезондир. Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бўлган жамиятдаги ажралишнинг асосий сабабларини таҳлил этадиган бўлсак, унда ахлоқий таназзул — хиёнат, бўҳтон, ҳақорат ва беҳурматлик каби хулқларнинг мавжудлиги, ўзаро ишончсизлик — сир сақламаслик, ёлғон ва яширин ҳаракатлар; ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар — ишсизлик, уй-жой муаммоси, оилавий юкламалар сабаб бўлаётганини кўрамиз. Шунингдек, ёшлар ўртасида маълумот ва дунёқарашлар ўртасида фарқ — турли маданий, диний ёки интеллектуал фарқлар ҳам сабаблардан бири бўлса, катталарнинг аралашуви — қайнона-қайнота ёки бошқа яқинлар томонидан нотўғри аралашуви ҳам учраб турмоқда. Яна бир муҳим сабаб бу фарзандсизлик — тиббий ечимлар мавжуд бўлса-да, жуфтликлар ўзаро қўллаб-қувватлашни ўрганмагани оқибатида оила пароканда бўлмоқда. Оилавий муҳитга мослаша олмаслик — келиннинг янги хонадонга адаптацияси, қайнона-келин муносабатлари, маиший низолар сабабли келишмовчиликлар юзага келмоқда. Иқтисодий етишмовчилик — ёшлар моддий жиҳатдан тайёр бўлмасдан туриб оила қургани, кейин эса ушбу қийинчиликларга дош бера олмаётгани ажралишга сабаб бўлмоқда. Оилавий қадриятларни англамаган ҳолда турмуш қуриш — оила қуришнинг маънавий-маърифий масъулиятини ҳис этмаслик кўпгина муаммолар манбаи бўлмоқда. Ачинарли жиҳати ажрим оқибатлари сирасига қуда-андалар ўртасида алоқаларнинг узилиши ҳамда болаларнинг маънавий, руҳий ва моддий етишмовчилигида кўзга ташланади. Жамиятда ажримлар сони ортиши билан ижтимоий барқарорликка путур етиши фожеадир. Бугунги кунда янги типдаги – замонавий ва маърифий оила модели шаклланмоқда. Унда нафақат муҳаббат ва ўзаро ҳурмат, балки ахлоқий, иқтисодий ва маданий масалалардаги онгли ёндашув ҳам устувор аҳамият касб этмоқда. Хусусан, замонавий оилада тўй ва маъракаларда исрофгарчилик иллати рад этилади. Исрофга олиб келувчи анъанавий урф-одатлар имкон даражасида қайта кўриб чиқилади. Унда: меҳмонлар сони самимиятга қараб белгиланади, тантаналар моддий юкламага эмас, маънавий мазмунга эга бўлади. Ота-оналар ва келин-куёвнинг ўзаро маслаҳати асосида тўй тадбирлари ортиқча сарф-харажатсиз, лекин самимий ва хотиржам ўтади. Бу каби онгли қарорлар орқали оила қуришни моддий зўравонликка эмас, маърифий мустақилликка асосланган жараён сифатида ташкил этиш мумкин бўлади. Асосий мақсад – тўй ёки

маъраканинг "қоғоздаги гўзаллик" эмас, балки оилавий ҳаётнинг тўқис ва мустақкам асосларга қурилиши эканини тушуниш ва қабул қилишдир. Чна бир бора таъкидлашни истардим: бугунги кунда замонавий оила моделида исрофгарчилик, дабдабали маъракалар ўрнига маънавий ва интеллектуал ривожланишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳашамдор тўйлар, ортиқча сарф-харажатлар ўрнига асосий маблағлар фарзандлар таълими, уй-жой шароити, соғлом турмуш тарзи учун йўналтирилмоқда. Бу – оиланинг фақат моддий эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам бойишига хизмат қилади. Зеро, соғлом ва фаровон муҳитда тарбия топган фарзандлар келажақда фойдали фуқаро бўлиб етишади. Маълумки, кўпинча оила бошлиғи сифатида эркак киши тан олинади. Унинг бурчи нафақат маблағ топиш, балки ушбу маблағни оқилона тақсимлаш, ҳалол йўл билан оила аъзоларини таъминлашдир. Оиланинг ахлоқий куч-қуввати, унинг ривожи ва бирдамлиги айнан шу ҳалоллик асосида қарор топади. Юқоридагиларни таҳлили асосида ҳуқушунос сифатида ҳуқуқий-ижтимоий тақлифларни илгари сурсак қонунчиликка тақлифлар:

1. Никоҳдан аввал мажбурий маслаҳат ва ҳуқуқий саводхонлик курси жорий қилиш ўта муҳим.

2. Оила кодексига медиаторлар институтини киритиш лозим. .

3. Зўравонликни олдини олиш ҳақидаги қонунга оилавий профилакани кучайтириш бўйича боб қўшиш.

4. Эрта турмуш ва никоҳ ёшига оид аниқ чеклов ва жазо чораларини қайта кўриб чиқиш зарур. Ижтимоий лойиҳалар бўйича тақлифларимиз:

“Бахтли оила – бахтли миллат” номли давлат дастури орқали ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш керак. Ҳар бир туман ва маҳаллаларда “Оила ва ҳуқуқ” клублари ташкил қилиш давр талаби.

Телевидение ва интернетда оилавий ҳуқуқ ва маданиятни оширишга бағишланган туркум кўрсатувлар ташкил этиш лозим.

Хулоса

Оила институти барқарор бўлмаса, миллат келажаги хавф остида қолади. Ушбу масалада ҳуқуқ, дин, тарих ва замонавий ижтимоий ёндашувларни бирлаштириб, тизимли ислоҳотлар ўтказиш — замон талаби. Авесто, Қуръон ва “Ҳидоя”даги қадимий билимлар бугунги ислоҳотларга мафкуравий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Албатта, оиланинг мустақкамлиги, фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол ва маънан етук шахс бўлиб вояга етиши, аввало, оила аъзоларининг, хусусан, она шахсининг маърифатли, оқила ва фидокор бўлишига чамбарчас боғлиқ. Зеро, маърифатли она — маърифатли авлод тарбиясига асос бўлади. Шу жиҳатдан, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг таълим олиши ва ижтимоий фаоллигини оширишга йўналтирилган изчил сиёсат оила институтининг мустақкамлашувига хизмат қилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда қабул қилинган қарор ва дастурлар натижасида юртимизда хотин-қизлар учун олий таълимга кенг йўллар очилди.

Масалан, 2025–2026 йилларда 250 минг нафардан зиёд хотин-қизлар имтиёзли асосда олий ўқув юртларига қабул қилинган бўлса, ҳозирда 1 мингдан зиёд аёллар магистратура босқичида бепул таҳсил олмоқда. Бу кўрсаткичлар «Оила маърифатли бўлса — жамият маърифатли бўлади» деган ҳаётий тамойил асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалий самарасидир. Чунки аёлнинг илмли ва онгли бўлиши нафақат унинг шахсий ривож, балки бутун оиланинг маънавий-маърифий муҳитини белгилайди, жамиятнинг маданият даражасини белгилайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2025 йилнинг январь–июнь ойларида 23,3 мингта никоҳдан ажралиш ҳолати қайд этилган. Бу 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 800 тага кўп. Ажримларнинг 60,6% (14,1 минг) шаҳарларда, 39,4% (9,2 минг) қишлоқ ҳудудларида кузатилган.

Энг кўп ажрим ҳолатлари Тошкент шаҳри (1,5 минг), Тошкент вилояти (1,2 минг) ва Фарғона вилояти (1,2 минг)да қайд этилган. Энг кам ажрим эса Навоий вилоятида — 310 та.

Бу муаммоларга қарши ҳуқуқий ва маърифий ёндашув асосида бугунги кунда юртимизда турли дастурлар амалга оширилмоқда. Улардан бири — “Сергели тажрибаси”. Ушбу ташаббус доирасида 2023 йилга нисбатан 1,7 баробар кўпроқ ёшлар — 155 мингдан зиёд фуқаро махсус тайёргарлик машғулотларига жалб қилинди. Бу “Миллий тикланиш” партиясининг ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ғоялари билан тўлиқ уйғундир.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда давлат сиёсатининг тизимлилиги таъкидлашга лойиқ. Ҳар бир туман ва шаҳарда фаолият юритаётган “Оила ва хотин-қизлар масканлари”, Оила ва гендер тенглиги институти томонидан ишлаб чиқилган “Масъулиятли ота-оналик” дастури, шунингдек, “Бахтиёр оила” ва “Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш” каби веб-платформалар ҳамда “Менинг оилам” мобил иловаси — буларнинг барчаси маънавий-маърифий ишларни рақамлаштириш ва ҳуқуқий асосда қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чоралардир. Бу ташаббуслар орқали фуқароларда оилавий масъулият ҳиссини юксалтириш, ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ишларнинг самараси кўзга ташланади. Шунинг учун, ҳар бир фуқаро тарихий-миллий ва ҳуқуқий асослардан хабардор ҳолда, ўз оиласининг барқарорлигини таъминлашга, унинг маънавий руҳини сақлашга масъул эканини англаши лозим. Бу нафақат шахсий ҳаётга дахлдор, балки умуммиллий тикланишнинг муҳим бир бўлаги ҳисобланади. Айниқса, маҳаллада оила барқарорлигини таъминлаш айтилган замон талабидир. Чунки маҳалла — нафақат ижтимоий ҳаётнинг асосий бўғини, балки миллий анъаналар, оилавий қадриятлар ва маънавий тарбиянинг бош манбаи ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир фуқаро, жумладан маҳалла фаоли, жамоатчилик вакиллари, партия аъзолари оилаларни асраш, уларни низолардан муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида оилавий ҳаётга тайёргарлик

маданиятини шакллантиришда ўзининг маънавий ва фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Авесто. Таҳрир: И. С. Брагинский. – Тошкент: Фан, 2001.
2. Қуръони Карим тафсири. – Тошкент: Имом Бухорий нашриёти, 2012.
3. Бурҳонуддин Марғинанӣ. Ал-Ҳидоя. – Қоҳира: Дору-л-Маъориф, 1982.
4. Оила кодекси. – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 1998.
5. ЮНЕСКО ҳисоботлари: “The Family and Modern Challenges”, 2022.
6. Prof. John Esposito. Women in Islam and Family Law. – Oxford Press, 2007.
7. Европарламент таҳлилий маркази. Family Law Reforms in the EU. – Брюссель, 2021.
8. Саид Аҳмад. Ислом оила ҳуқуқи асослари. – Тошкент, 2018.